

ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ (ЭИБТ) ТАДБИҚ ЭТИШ МУВОФИҚЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ СКРИНИНГ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ БОРАСИДА МАСЛАҲАТ ХИЗМАТЛАРИ



КИРИШ ҲИСОБОТИ

Тайёрлашди:

**ECO-SPECTRI LTD (Грузия)
ва «EASTGATE» МЧЖ (Ўзбекистон)**

2022 йил декабр

Мундарижа

ИШТИРОКЧИ МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ (ИМТ) РЎЙХАТИ..... Error! Bookmark not defined.

I. КИРИШ	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
A. Ҳисобот доираси.....	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
B. Лойиҳа ҳақида маълумот	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
C. Техник кўмакнинг мақсади ва вазифалари.....	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
D. Маслаҳатчи хизматлари ва вазифалари доираси	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
II. ТЕХНИК ЁНДАШУВ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
A. Умумий ёндашув.....	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
B. Амалга ошириш, ҳисобот топшириш, вазифалар ва мажбуриятлар	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
B.1 Дастрлабки учрашув.....	9
B.2 Кириш.....	9
B 3. Тренинглар	12
B 4. Тренинглар жадвали.....	14
III. ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
B. Ўқув модулларини тайёрлаш	18
IV. ҲИСОБОТ.....	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
a) Кириш ҳисоботи.....	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
b) ЭИБТ мувофиқлигини кўриб чиқиш ва салоҳиятни ошириш тўғрисидаги ҳисобот	<i>Error! Bookmark not defined.</i>
Иш жадвали	20
1 - илова. Амалдаги экологик ва ижтимоий талаблар	22
Скрининг	27
2 - илова. Экологик скрининг назорат рўйхати.....	30
3 - илова. Мажбурий кўчиришини текшириш/тоифалаш назорат рўйхати...	36
4 - илова. Амалга ошириш жараёнида "B" тоифали субвойиҳалар учун обьектларни текшириш мониторингини олиб бориш масалаларининг тавсия этилган назорат рўйхати	38

ҚИСҚАРТМАЛАР

ОТБ	-	Осиё Тараққиёт Банки
ЭИБТ	-	Экологик ва ижтимоий бошқарув тизими
ХВК	-	Хорижий валютадаги кредитлар
МВ	-	Молиявий воситачилар
ИФТТР	-	Инвестиция фаолиятининг тақиқланган турлари рўйхати
ЛБИ	-	Лойиҳа бошқаруви идораси
ДЭЭ	-	Давлат экологик экспертизаси
ВЧРДҚ	-	Ветеринария ва чорвачиликни ривожланишиш давлат қўмитаси
ХСБ	-	Хавфсизлик Сиёсати Баёноти
ТК	-	Техник кўмак

ИШТИРОКЧИ МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ (ИМТ) РЎЙХАТИ

ИПБ	"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки
МКБ	"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки
ҚҚБ	"Қишлоқ Қурилиш Банк" акциядорлик-тижорат банки
ТРБ	"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки
СҚБ	"Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки
ХБ	"Халк Банки" акциядорлик тижорат банки

I. КИРИШ

A. Ҳисобот доираси

1. Ушбу кириш ҳисоботи ТА-52110-001 UZB сонли лойиҳага мувофиқ тузилган: Eco-Spectri Ltd (Грузия) ва "Eastgate" МЧЖ (Ўзбекистон) консорциуми томонидан "Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш" лойиҳаси учун **Экологик ва ижтимоий бошқарув тизими (ЭИБТ) тадбиқ этилиши мувофиқлигини текшириш ва экологик ва ижтимоий скрининг бўйича ўқитиш борасида маслаҳат хизматлари.** Ҳисоботда хизмат кўрсатиш билан боғлик қўйидаги мавзулар кўриб чиқилади: (1) ИМТ учун ЭИБТ ўқитиш дастулари, (2) юқори хавфли ёки бошқа ҳар қандай субвойиҳалар учун мунтазам экологик текширувлар, (3) ОТБ га тақдим этилишидан олдин ИМТ ларнинг йиллик экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ва (4) хавфсизлик сиёсати баённомаси ва миллий қоидаларга мувофиқ атроф-муҳит учун "В" тоифасига киритилган субкредитлар учун зарур бўлган тегишли текширув ва юмшатиш чоралари бўйича ИМТ га тавсиялар:

- Лойиҳанинг мақсадлари ва қўлами
- Техник ёндашув ва методология
- Лойиҳанинг жисмоний тараққиёти
- Иш режаси ва таклиф қилинган муддатлар
- Ҳисобот

B. Лойиҳа ҳақида маълумот

2. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 2019 йил 25 сентябрда лойиҳани молиялаштириш учун 150 миллион АҚШ долларлик кредит ажратишни тасдиқлади¹. Лойиҳа бўйича кредит шартномаси 2019 йил 13 ноябрда имзоланган ва 2020 йил 2 марта кучга кирган. Лойиҳа ижрочиси – Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда олтита ИМТ – "Микрокредитбанк" (МКБ), "Қишлоқ Қурилиш банк" (ҚҚБ), "Туронбанк" (ТРБ), "Ипотека-банк" (ИПБ), "Ўзсаноатқурилишбанк" (СҚБ) ва "Халқ банки" (ХБ) ижрочи агентликлар вазифасини бажаради. Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 2020 йилдан 2024 йилгacha бўлган муддатда амалга оширилади. Лойиҳанинг якуний санаси – 2024 йил 31 декабр.
3. Лойиҳанинг таъсири қишлоқ хўжалигининг инклузив иқтисодий ўсиши, даромад ва бандликка қўшган ҳиссасини оширишдан иборат бўлади. Натижада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ошади. Лойиҳадан қўйидаги икки хил натижада кутилмоқда:

¹ Кредит муддати 25 йил, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли давр, фоиз ставкаси йиллик 2% ни ташкил этади.

- 4. 1 - натижа: Чорвачилик субсекторида молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш.** Лойиҳа ИМТ ларнинг узоқ муддатли маблағларини субкредитлар ажратиш учун суб-қарз олувчиларга капитал қўйилмалар учун тақдим этади. Субкредит олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун суб-қарз олувчи Ўзбекистон қонунчилиги ва тартиб - қоидаларига мувофиқ рўйхатдан ўтган тижорат ташкилоти бўлиши керак; Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгилаганидек, ИМТ лар билан алоқадор томон бўлмаслиги керак; субкредит олиш учун ариза бериш вақтида максимал актив қиймати 50 миллион АҚШ долларини ташкил этиши керак. Инвестицион сублойиҳаларга чорвачилик, маркетинг, қайта ишлаш, ресурсларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш соҳалари киради. Лойиҳа чорвачилик қиймат занжирида ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш корхоналари, ресурсларни етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун бозорга асосланган банкларнинг молиялаштириш имкониятларини яхшилайди. Шу йўл билан чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлигини ошириш, қайта ишлаш объектларининг ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқариш воситалари ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш ҳажмини оширишга ёрдам беради.
- Лойиҳа 2020-2024 йиллар оралиғида 6 та ИМТ орқали чорвачиликни ривожлантириш учун ажратилган 725 га яқин субкредитларни молиялаштиришни ўз ичига олади. ИМТ лар тегишли суб-қарз олувчилар (фермерлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари) эҳтиёжларига кўра маҳаллий валютада субкредитлар ажратади. Субкредит муддати 10 йилгача, фоиз ставкаси 17-18%. Субкредитнинг максимал миқдори 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.
- 6. 2 - натижа: Чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш хизматларини такомиллаштириш.**
Лойиҳа клиник ветеринария хизматларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида хусусий ветеринария амалиётини ривожлантиришга ёрдам беради, шунингдек, ҳайвонларни парвариш қилиш ва ҳайвонларнинг соғлиғи, шу жумладан микробларга қарши препаратлардан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳатлар беради. Хусусан, лойиҳа Самарқанд ветеринария медицинаси институтини (ВМИ) қуидаги йўналишларда қўллаб-куватлайди: (i) давлат ва хусусий ветеринария хизматларини кўрсатишда фаолият юритадиган ветеринария шифокорлари учун узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда; (ii) професионализмни ошириш ҳамда илғор ветеринария тажрибаларини самарали тарқатиш мақсадида ветеринария ассоциациясини ташкил этиш ва мавжуд ветеринария журналини модернизация қилишни; (iii) Ўзбекистонда хусусий ветеринария хизматларини ривожлантириш учун намуна сифатида ВМИ шафелигида хусусий ветеринария амалиётини (моделини) яратишда; ва (iv) ушбу намунавий амалиётни Ўзбекистоннинг бошқа худудларида жойлашган камида 6 та хусусий ветеринария клиникаларига татбиқ этишда. Лойиҳа,

шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини кредитлаш, чорвачилик секторини кредитлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сиёсати ва тартибларини ишлаб чиқиш борасида ИМТ ларнинг салоҳиятини ривожлантиришга ҳамда мижозларнинг банк маҳсулотлари, хизматлари ва ариза бериш тартиб-қоидалари тўғрисида хабардорлигини ошириш орқали ахборот ва маслаҳат стратегиясини амалга оширишда ёрдам беради.

7. Лойиҳа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича молиявий воситачилар (МВ) ҳамда мажбурий қўчириш (МК) ва маҳаллий аҳоли (МА) кафолатлари бўйича молиявий воситачилар (МВ) (С деб ҳисобланади) сифатида таснифланган.
8. **Лойиҳани бошқариш.** 2019 йил декабр ойида лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) ташкил этилган бўлиб, у қўйидагилар учун жавобгардир: (1) сублойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мониторинг қилиш, (2) лойиҳаларнинг молиявий аудит текширувларини назорат қилиш ва (3) ветеринария хизматларини йўлга қўйиш ҳамда ИМТ ларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу жумладан ижтимоий ҳимоя ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларига риоя қилиш. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) ИМТ ларга кредит сиёсати ва чорвачиликни кредитлаш, кредит маҳсулотлари ва қамров стратегиясини ишлаб чиқишида қўллаб-қувватлаш учун техник мутахассисларни ёллади.
9. ИМТ умумий бошқарув тизимининг бир қисми сифатида сақланиши керак бўлган ЭИБТ ни ташкил этди ва ЭИБТ координаторлари сифатида кредит мутахассисларини тайинлади. ЭИБТ Ўзбекистон миллий қонунлари ва қоидаларига ҳамда ОТБ нинг 2009 йилдаги Хавфсизлик сиёсати тўғрисидаги баёнотига амал қиласди.

C. Техник кўмакнинг мақсади ва вазифалари

10. Ушбу техник кўмакнинг (TK) асосий мақсади: (а) юқори хавфли сублойиҳаларни танлаш орқали Экологик ва ижтимоий бошқарув тизимининг (ЭИБТ) мувофиқлигини текшириш; (б) 6 та ИМТ ларни экологик ва ижтимоий скрининг ва сублойиҳаларни мониторинг қилиш бўйича ўқитиш; ва (с) ИМТ ларга ОТБ га тақдим этиш учун ЭИБТ ни тадбиқ этиш бўйича мониторинг рўйхатлари ва йиллик ҳисботларни такомиллаштиришда ёрдам бериш.
11. Мақсадли гурухга ЭИБТ ни тадбиқ этиш учун масъул бўлган ЛАОГ ходимлари ва 6 та ИМТ лар киради: Микрокредитбанк, Қишлоқ Қурилиш Банк, Туронбанк, Ипотека Банк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Халк Банки.
12. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Eco-Spectri Ltd (Грузия) ва «Eastgate» МЧЖ (Ўзбекистон) консорциуми (бундан буён матнда "Маслаҳатчи" деб юритилади) қўйидаги хизматларни тақдим этади: (1) ЭИБТ умумий таҳлили доирасида ИМТ ларининг экологик ва ижтимоий муаммоларини аниқлашга имкон берувчи эҳтиёжларни баҳолаш бўйича сўровномаларни ишлаб чиқиш; (2) Ўзбекистонда лойиҳани амалга ошириш босқичида аниқланган

номувофиқликлар ва мувофиқлаштирувчи ҳаракатлари бўйича маълумотлар базасини ишлаб чиқиш, номувофиқлик ҳисботлари ва мувофиқлаштирувчи ҳаракатлари режалари учун шаблонларни тайёрлаш; (3) ўқув эҳтиёжларини аниқлаш ва имкониятлар бўшлиқларини баҳолаш асосида ўқув режасини ишлаб чиқиш; (4) Ўқув режасини тайёрлаш ва 13 та ҳудудда ҳар бир тренингнинг давомийлиги икки кун бўлган муддатда тренинглар ўтказиш.

D. Маслаҳатчи хизматлари ва вазифалари доираси

13.Лойиҳани амалга оширишда Техник кўмак (ТК) 7,5 киши-ой маслаҳат хизматлари томонидан қўллаб-кувватланиб, 2,5 киши-ой халқаро маслаҳат хизматлари ва 2,5 киши-ой миллий маслаҳат хизматларини тайинлашни талаб қиласди. Маслаҳатчилар лойиҳа миллий координатори томонидан қўллаб-кувватланади (2.5 киши-ой).

14.Маслаҳатчининг вазифалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- (i) Топшириқлар учун методологияни ишлаб чиқиш, шу жумладан ЭИБТ нинг жорий бажарилиши, мониторинг ва ҳисбот ҳақида умумий маълумот. Ҳужжатда топшириқнинг таркибий қисмлари, шунингдек маслаҳатчининг иш жадвали кўрсатилади.
- (ii) Сублойиҳаларни ЭИБТ га мувофиқлигини текшириш. Кўриб чиқиш давомида ИМТ томонидан молиялаштириладиган қўйидаги турдаги инвестициялар барча сублойиҳаларнинг камида 10% қамраб олиши керак: (i) қорамол сотиб олиш; (ii) майда шохли чорва сотиб олиш; (iii) сутни қайта ишлаш; (iv) озуқа ишлаб чиқариш; (v) қуёнчилик; (vi) паррандачилик; (vii) йилқичилик; (viii) асаларичилик; (ix) балиқчилик; (x) қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқалар;
- (iii) Юқоридаги ЭИБТ мувофиқлигини кўриб чиқиш натижаларига асосланиб, миллий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун ЭИБТ сублойиҳалар имкониятларидаги бўшлиқларни (агар мавжуд бўлса) аниқлаш. Бундан ташқари, ИМТ салоҳиятидаги камчиликларни аниқлаш учун бошқа ёндашувлардан (масалан, интервюлар, анкеталар, SWOT-таҳлиллари) фойдаланиш мумкин;
- (iv) ЭИБТ тамойиллари, процедуранари ва штат жадвалларидаги камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш мумкинлиги, шу жумладан унинг ҳар бир белгиланган муддат билан боғлиқ салоҳиятни ошириш режаси учун моддий ресурсларга таъсирини бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш;
- (v) Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун чорвачилик билан боғлиқ барча тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш орқали ЭИБТ доирасида уларнинг намунавий ҳисботларини тайёрлашда ИМТ ларни қўллаб-кувватлаш;
- (vi) ИМТ ларнинг умумий ва маҳсус ўқув талабларига жавоб берадиган ҳар бир белгиланган муддатда салоҳиятни ошириш режаси асосида ўқув қўлланмалари, инфографика ва тегишли материалларни тайёрлаш;

- (vii) Атроф-мухитни бошқариш режаларига (ЭИБТ) мувофиқ экологик хавфсизлик мониторинги ва текширув ҳисоботлари учун шаблон тайёрлаш, унда атроф-мухитни бошқариш режасига (ЭИБТ) мувофиқ ҳар бир сублоиха учун экологик хавфсизлик чораларига риоя қилиш бўйича тегишли мониторинг ва ҳисбот механизмлари бўлиши керак.
- (viii) ИМТ ва ЛАОГ тегишли ходимлари учун бир қатор ўқув семинарларини ўтказиш, шунингдек, мамлакатнинг барча ҳудудларида тренинглар ўтказиш. Ўқув машғулотлари доирасида секциялар сессиялари каби интерфаол тадбирларни ташкил қилиш, бунда тегишли ЭИБТ координаторлари мавжуд ЭИБТ билан таққослаганда лойиҳани ҳақиқий баҳолашда иштирок этишлари ва билим, тажриба ҳамда илғор амалиёт натижалари билан бўлишишлари мумкин. Бу экологик ва ижтимоий кафолатларни мониторинг қилиш бўйича ИМТ фаолиятини намойиш этиш учун сублоихалардан бирига саёҳатни ўз ичига олиши керак;
- (ix) ЛАОГ га лойиҳа майдонларида йиллик мониторинг текширувларини ўтказишида ёрдам бериш ва ОТБ га 2022 ва 2023 йиллар учун ЭИБТ ни амалга ошириш бўйича йиллик ҳисботларини тақдим этиш. Бу қуидагиларни ўз ичига олади: (i) атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ЛАОГ ва бошқа манфаатдор мониторинг мутахассислари ва лойиҳаларни бошқариш ходимлари учун иш жойида ўқитиш ва салоҳиятни ошириш; ва (ii) ЭИБТ мониторинги ва ҳисботини такомиллаштиришга бевосита ҳисса қўшиш.

II. ТЕХНИК ЁНДАШУВ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

A. Умумий ёндашув

15.Лойиҳани амалга ошириш жараёнида маслаҳатчи қуидаги ёндашувлардан фойдаланади:

- Миллий ва халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун ЭИБТ камчиликларини (агар мавжуд бўлса) тўлдириш бўйича чоратадбирларни белгилаш; топшириқга ёндашиш бўйича ҳужжат ишлаб чиқиш, шу жумладан, ЭИБТ мониторинги ва ҳисботининг жорий бажарилиши ҳақида умумий маълумот;
- ЭИБТ умумий таҳлилининг бир қисми сифатида эҳтиёжларни баҳолаш сўровномасини тайёрлаш ва олинган маълумотларга асосланиб, маслаҳатчи сўровнома натижаларини умумлаштиради, интервюлар ўтказади, маълумот тўплайди ва ҳар бир ИМТ салоҳиятидаги бўшлиқларни аниқлаш учун ЭИБТ ички ҳужжатларини таҳлил қиласи.
- Белгиланган муддатларда ҳар бир салоҳиятни ошириш режаси асосида ИМТ да тренинг учун умумий ва аниқ талабларга жавоб берадиган ўқув дастурлари ва қўлланмалар, инфографика ва тегишли материалларни тайёрлаш;

- Экологик тадбирлар режасига (ЭТР) мувофиқ атроф-муҳит муҳофазаси мониторинги ва аудит ҳисботлари учун шаблон тайёрлаш, унда экологик тадбирлар режасига (ЭТР) мувофиқ ҳар бир лойиҳа учун атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тегишли мониторинг ва ҳисбот механизмлари бўлиши керак;

16. Маслаҳатчи – Eco-Spectri Ltd ҚҚ ва «Eastgate» МЧЖ 2 кунлик тренингларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қўйидаги шаҳарларда ўтказади: Нукус, Урганч, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қарши, Термиз, Жиззах, Гулистон, Тошкент, Наманган, Фарғона ва Андижон.

- Маслаҳатчи тренинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тренинг иштирокчиларининг бошқа ишларга чалғишига (иштирок этмаслигига) йўл қўймаслик учун ИМТ оғисидан ташқарида, тренинглар ўтказиш мақсадида ижарага олинган конференция залида тренинг машғулотларини ўтказишга қарор қилди. Ушбу ёндашув бошқа мамлакатлардаги тренинглар давомида қўлланилган бўлиб, яхши натижаларга эришилган.
- Тегишли ҳисботлар лойиҳанинг ҳар бир босқичи тугаганидан кейин икки ҳафтадан кечиктирилмаган муддатда тузилади ва ЛАОГ ва ОТБ га тақдим этилади.
- Маслаҳатчининг қарорига биноан, тасдиқланган ҳаракатлар режасидаги ҳар қандай ўзгариш ўзгаришларни илгари суришдан олдин ЛАОГ билан келишилган бўлиши керак.

B. Амалга ошириш, ҳисбот топшириш, вазифалар ва мажбуриятлар

B.1. Дастлабки учрашув

17. Лойиҳанинг ижро этувчи органлари вакиллари - ИМТ билан дастлабки учрашув Ўзбекистонда, Тошкентда, 2022 йил 7- 8 декабр кунлари режалаштирилган бўлиб, учрашувнинг асосий мақсади ЭИБТ ИМТ лари ва ОТБ ҲСБ ўртасидаги тафовут (бўшлиқлар), шунингдек, Ўзбекистон қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ва уларнинг амалда қўлланилишини аниқлаш мақсадида лойиҳани амалга оширилиш ҳолатини аниқлаш ва ЭИБТ ИМТ ларининг мавжуд сиёсати ва процедураларини, лойиҳаларни бошқариш бўйича кўрсатмаларни, лойиҳа шартномаларини ва бошқаларни олишдан иборатdir.

B.2. Кириш

18. 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра, лойиҳанинг дастлабки давридан бери жами 488 та субвойиҳалар молиялаштирилди, жумладан фақат 2021 йилнинг ўзида уларнинг сони 116 тани ташкил этган. Ушбу давр мобайнода ИМТ нинг экологик ва ижтимоий соҳалари бўйича мутахассислари миллий ва ОТБ

талабларига мувофиқ ҳар бир субвойиҳанинг экологик ва ижтимоий мувофиқлигини текширдилар. ОТБ таснифига кўра, жами 166 та субвойиҳа "В" ва 323 та субвойиҳа "С" гуруҳига мансуб деб таснифланган. Шу билан бирга, 2021 йилда 32 та субвойиҳа "В", 84 та субвойиҳа "С" гуруҳга мансуб деб таснифланган. 2022-молия йилида молиялаштириладиган лойиҳалар сони 2022-йил декабр ойида ИМТ билан учрашувлар босқичида аниқланади.

19. Маслаҳатчи 2022 йил 7-8 декабр кунлари ИМТ билан учрашувлар ўтказади. Ушбу учрашувлар давомида субвойиҳаларни скрининг ва мониторинг қилиш босқичида тайёрланган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш амалга оширилади.
20. Маслаҳатчи, шунингдек, ҳар бир ИМТ (молиявий хизматлар агентлиги) томонидан тайёрланган компаниянинг SWOT-таҳлилини кўриб чиқади. Ушбу ҳужжатни таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида маслаҳатчи компаниянинг ресурслари (инсон, инфратузилма ва иш муҳити) ҳар бир ИМТ томонидан ишлаб чиқилган ЭИБТ ҳужжатида белгиланган талабларга жавоб бериш учун етарли ёки етарли эмаслигини аниқлайди.
21. Агар ИМТ лар томонидан SWOT-таҳлили ишлаб чиқилмаган бўлса, маслаҳатчи ИМТ ларга ушбу ҳужжатни тайёрлаш бўйича тегишли маслаҳатлар беради.
22. Ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида ЭИБТ талабларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланганда номувофиқлик тўғрисида далолатнома тузилади ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланади.
23. Тузатиш чоралари қуйидагилар мақсадларда ишлаб чиқилади: (1) ИМТ лар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар пайтида ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш босқичида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш учун; ва (2) ЭИБТ талабларига тўлиқ ва самарали жавоб бериш мақсадида ҳар бир ИМТ ни тегишли малака, тажриба, таълим ва кўникмалар билан таъминлаш учун компаниянинг салоҳиятини ошириш. Зарур бўлганда мувофиқлаштирувчи ҳаракатлари ишлаб чиқилади.
24. ИМТ бўлимларида экологик ҳужжатлар экспертизаси таҳлили асосида амалга оширилиши атроф-муҳитга кучли салбий таъсир кўрсатиши кутилаётган субвойиҳалар аниқланади. Маслаҳатчининг ТТ маълумотларига кўра, биринчи босқичда маслаҳатчи ИМТ томонидан молиялаштириладиган қуйидаги инвестиция турларининг ҳар бири учун катта хавф түғдирадиган барча суб-войиҳаларнинг 10 фоизини мониторинг қиласи: (1) чорвачилик; (2) кичик кавш қайтарувчи чорва; (3) сут маҳсулотларини қайта ишлаш; (4) озуқа ишлаб чиқариш; (5) қуёнчилик; (6) паррандачилик; (7) йилқичилик; (8) асаларичилик; (9) балиқчилик; (10) қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқалар.
25. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу босқичда экологик мониторинг олиб бориладиган лойиҳалар сони 60 га яқин деб ҳисобланган.

26. Маслаҳатчи ушбу мониторингни амалга оширишни 2022 йил 10 декабрда бошлайди ва уни 2022 йил 20 декабргача якунлайди (объектив ёки субъектив сабабларга кўра мониторинг жадвали бироз ўзгартирилиши мумкин);
27. 2023 йил 10 январга қадар маслаҳатчи ўзи томонидан ўтказилган экологик аудит тўғрисида ҳисобот тайёрлайди.

В 3. Тренинглар

28. Ўқув модулини ишлаб чиқишдан олдин ИМТ нинг барча экологик ва ижтимоий гурухлари билан муаммолар ва номувофиқликларни тушуниш учун учрашувлар ўтказилиши керак, ушбу муаммолар ва номувофиқликларга ечим топиш режалаштирилган тренингнинг асосий мақсади хисобланади.

29. Ўқув модулини лойиҳада иштирок этувчи ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш талабларига оптималь тарзда мослаштириш учун, маслаҳатчи қўйидагиларни бажаради:

- Корхоналарда экологик ва ижтимоий муаммоларни аниқлайдиган сўровномалар ўтказиш;
- Лойиҳани режалаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш билан шуғулланадиган тузилмалар билан сұхбатлар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги шу каби лойиҳалар доирасида халқаро маслаҳатчилар томонидан тайёрланган экологик ва ижтимоий ҳисботларни ўрганиш;
- Лойиҳани Ўзбекистонда амалга ошириш босқичида аниқланган номувофиқликлар ва тузатиш ишлари ҳақида маълумотлар базасини яратади;
- Лойиҳанинг иштирокчи-ташкилотлари SWOT-таҳлилини ўтказиш.

30. Юқоридаги тадбирлар натижасида олинган маълумотлар ва таҳлил натижалари асосида Маслаҳатчи 2 кунлик ўқув модулини ишлаб чиқади ва уни амалга оширишнинг батафсил жадвалини режалаштиради. Тренинглар самарадорлигини баҳолаш учун самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилади ва баҳолаш мезонлари белгиланади.

31. Ўқув модули қўйидаги масалаларни қамраб олади:

1 Модуль:

- Кириш

2 Модуль:

- ЭИБТ ни тадбиқ этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари
- Атроф-муҳит ва қўчириш бўйича миллий Қонунчилик
- ОТБ МБК талаблари (2009)
- ЛББҚ (Лойиҳани бошқариш бўйича қўлланма) ва лойиҳа битими
- ЭИБТ сиёсати ва процедуралари

3 Модуль:

- ЭИБТ процедуралари – скрининг ва тоифаларга ажратиш

- ОТБ нинг тақиқланган инвестиция фаолияти рўйхати (ТИФР)
- Истиснолар рўйхати
- Экологик скрининг (ОТБ назорат рўйхати шаблонлари)
- Лойиҳаларни тоифаларга ажратиш

4 Модуль:

- ЭИБТ процедуралари – экологик ва ижтимоий экспертиза
- Экспертиза ҳисботининг мазмуни: кўриб чиқиш методологияси; мувофиқлик ҳолати; аниқ муаммолар; хулоса ва тавсиялар

5 Модуль:

- ЭИБТ процедуралари – Мувофиқлик мониторинги ва ҳисбот
- "В" ва "С" тоифали лойиҳалар бўйича мониторинг ва ҳисбот
- Қарз олувчилар томонидан ИМТ га тақдим этилган сублойиҳалар учун йиллик экологик мониторинг ҳисботи шаблони
- ИМТ томонидан ЛАОГ га сублойиҳалар учун тақдим этилган йиллик экологик мониторинг ҳисботи шаблони, ОТБ ЛАОГ ва Шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ШКМ) томонидан сублойиҳалар учун тақдим этилган йиллик экологик мониторинг ҳисботи шаблони

6 Модуль:

- Тадбиқ этиш намуналари
- Лойиҳани танлаш ва тоифалашнинг маҳсус ҳолатлари

32.Ҳар бир ўқув модули учун амалий машқлар намуналари ишлаб чиқиласdi. Мазкур намуналар ЭИБТ ҳужжатлари ва сублойиҳаларини кўриб чиқишида аниқланган одатий номувофиқликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиласdi.

33.Юқоридаги ўқув модулларига ИМТ томонидан тўлдирилган анкеталар ва ЭИБТ ҳужжатлари кўриб чиқилгандан кейин аниқлик киритиласdi.

34.Бундан ташқари, лойиҳа доирасида ўқув материалини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун иштирокчиларга тўлдириш учун тарқатиладиган сўровнома ишлаб чиқиласdi.

35.Ўқув модули, амалий ўқув материаллари ва баҳолаш сўровномалари тренинг бошланишидан бир ҳафта олдин ЛАОГ билан келишиласdi.

36.**ИМТ ва ЛАОГ нинг тегишли ходимлари учун жойларда мониторинг машғулотлари.** Ўқув дастурининг бир қисми сифатида лойиҳа доирасида жойлардаги мониторинг бўйича тренинглар режалаштириласdi ва барча ҳудудларда ўтказиласdi. Тренинглар секциялар сессиялари каби интерфаол

тадбирларни ташкил қилишда кўмаклашади, бунда тегишли ЭИБТ координаторлари мавжуд ЭИБТ билан таққослаганда лойиҳани ҳақиқий баҳолашда иштирок этишлари ва билим, тажриба ҳамда илғор амалиёт натижалари билан бўлишишлари мумкин. Бу экологик ва ижтимоий кафолатларни мониторинг қилиш бўйича ИМТ фаолиятини намойиш этиш учун субвойиҳалардан бирига ташрифни ўз ичига олади. Мониторинг иштирокчиларининг сафари учун транспорт хизмати Маслаҳатчи томонидан ташкил этилади.

37. ОТБ га тақдим этилиши керак бўлган ЭИБТ ни тадбиқ этиш бўйича назорат рўйхатлари ва йиллик ҳисоботларни такомиллаштиришда ЛАОГ га ёрдам бериш. Биринчи ва иккинчи босқичларда амалга оширилган тадбирлар натижаларига қўра, Маслаҳатчи қўшимча равишда қуйидагиларни бажаради:

- зарур бўлганда ИМТ томонидан ишлаб чиқилган ЭИБТ ҳужжатини янгилаш;
- зарур бўлганда ИМТ ва ЛАОГ экологлари томонидан субпроект мониторинги босқичида фойдаланиладиган анкеталарни янгилаш;
- ЛАОГ га лойиҳа обьектларида 4 та ярим йиллик мониторинг текширувларини ўтказишида ва ОТБ га 2022 ва 2023 йилларда ЭИБТ ни амалга ошириш бўйича йиллик ҳисоботларни тақдим этишда ёрдам бериш.

В 4. Тренинглар жадвали

38. Тренинг машғулотларига қўйиладиган умумий талаблар. Тренинг иштирокчиларининг умумий сони камида 390 мутахассисдан иборат бўлиши керак, улардан камида 30% ни аёллар ташкил этиши, шунингдек, ҳар бир тренингда камида 30 киши иштирок этиши керак; Тренинглар тасдиқланган жадвалга мувофиқ 12 та вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳар бир тренинг икки кун давомийлигида ўтказилади. Тренингларнинг ҳар бир иштирокчиси тегишли тарқатма материаллар, шу жумладан ахборот материаллари, мавзу бўйича дарслик тўплами, дафтар ва ручка, лойиҳалар учун ахборот бюллетени ва бошқалар билан таъминланиши керак. Ўқув жараёнида ўқув материаллари (тақдимотлар) катта экранда (PPT) кўрсатилади. Тренинглар рус ва ўзбек тилларида ўтказилиши керак (зарур ҳолатда таржимон хизматидан фойдаланган ҳолда). Тренинглар иштирокчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини кенгайтириш учун кичик ишчи гуруҳлардаги мунозараларни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир ўқув тадбири 1 та тушлик ва 2 та кофе-брейкни ўз ичига олиши керак;

39. Тренинглар Ўзбекистоннинг барча худудларида ўтказилади. 1-расмда тренинг машғулотлари ўтказиладиган жойлар кўрсатилган.

1 -расм: Тренинг машғулотлари ўтказиладиган жойлар



40. Дастребки жадвалга кўра, тренинглар Маслаҳатчи томонидан 2023 йил январидан февралигача ўтказилади.
41. Тренинг иштирокчиларининг умумий сони камида 390 мутахассисдан иборат бўлиши керак, ҳар бир тренингда камида 30 киши иштирок этиши керак. Тренинглар 12 та вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтади, ҳар бир машғулот учун икки кун белгиланган бўлиб, **1-жадвалда** келтирилган дастребки режага мувофиқ ўтказилади.

1-жадвал: Тренинглар жадвали

T/p	Манзил	2023 йил январ							2023 йил феврал				
		16-17	18-19	20-21	23-24	25-26	27-28	30-31	1-2	2-3	6-7		
1	Нукус												
2	Урганч												
3	Бухоро			20-21									
4	Навои				23-24								
5	Самарқанд					25-26							
6	Қарши						27-28						
7	Термиз							30-31					
8	Жиззах								1-2				
9	Гулистон									2-3			
10	Тошкент										6-7		

11	Наманган										8-9		
12	Фергона										10-11		
13	Андижон											13-14	

42. Тренингларнинг ҳар бир иштирокчиси тегишли тарқатма материаллар, шу жумладан ахборот материаллари, мавзу бўйича дарслик тўплами, дафтар ва қалам, лойиҳалар учун ахборот бюллетени ва бошқалар билан таъминланиши керак. Ўқув жараёнида ўқув материаллари (тақдимотлар) катта экранда (PPT) кўрсатилади. Тренинглар рус ва ўзбек тилларида ўтказилиши керак (зарур ҳолатда таржимон хизматидан фойдаланган ҳолда). Тренинглар иштирокчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини кенгайтириш учун кичик ишчи гурухлардаги мунозараларни ўз ичига олиши керак.

43. Ҳар бир ўқув тадбири 1 та тушлик ва 2 та кофе-брейкни ўз ичига олиши керак. Тренинг иштирокчиларининг кунлик ва яшаш харажатлари Маслаҳатчи харажатларига киритилмайди.

44. Батафсил ўқув жадвали ва ўқув модули Маслаҳатчи томонидан тайёрланади ва Лойиҳа бошқаруви идорасига (ЛБИ) 2023 йил 10 январга қадар тақдим этилади.

В 5. Вазифалар ва мажбуриятлар

45. Маслаҳатчининг асосий ва иккинчи даражали мутахассисларининг вазифа ва мажбуриятлари қўйида батафсил келтирилган:

a) Гуруҳ раҳбари / Экологик ва ижтимоий кафолатлар бўйича мутахассис (1 халқаро асосий эксперт/2,5 киши-ой) – Ираклий Кавиладзе. Эксперт қўйидаги вазифаларни бажаради:

- маслаҳатчиларнинг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича умумий жамоавий етакчиликни таъминлаш, шу жумладан маслаҳатчиларга йўналиш бериш ва ТТ га мувофиқ индивидуал иш режаларини биргалиқда ишлаб чиқиш, шунингдек, ЛАОГ га ҳисобот бериш;
- сублойиҳаларнинг ҳар бир ИМТ ЭИБТ талабларига мувофиқлигини таҳлилий кўриб чиқиш ва имкониятлардаги бўшлиқларни аниқлаш;
- бутун ўқув жараёнини самарали режалаштириш ва амалга ошириш.

b) Экологик мониторинг бўйича мутахассис (1 та миллий асосий эксперт/2,5 киши-ой) - Турғунов Абдуллоҳим. Эксперт қўйидаги вазифаларни бажаради:

- гуруҳ раҳбари бошчилигига ҳар бир ИМТ бўйича сублойиҳаларнинг ЭИБТ талабларига мувофиқлиги таҳлилини ўтказади ва имкониятлардаги бўшлиқларни аниқлайди;
- ИМТ ва ЛАОГ учун бутун ўқув жараёнини самарали режалаштириш ва амалга ошириш.

с) Лойиҳа координатори / Маъruzachi ёрдамчиси (1 та миллий асосий эксперт) (2,5 ой/киши) – Жамшид Элбоев. Эксперт қуидаги вазифаларни бажаради:

- топшириқнинг умумий бажарилишини мувофиқлаштириш ва ташкилий масалаларда миллий ва халқаро маслаҳатчига ёрдам бериш.

III. ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ

46. 15.11.2022 дан 04.12.2022 гача бўлган даврда Маслаҳатчи лойиҳа билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқди ва ИМТ эҳтиёжларини баҳолаш учун сўровномаларни ишлаб чиқди.

47. Лойиҳа доирасида амалга оширилган тадбирларни аниқлаш учун Маслаҳатчи қуидаги ҳужжатларни қабул қилди ва кўриб чиқди:

Т/р	Ҳужжат номи
1.	Лойиҳани бошқариш бўйича қўлланма – 2019 йил 6 августда қабул қилинган
2.	Директорлар кенгashi Президентининг ҳисоботи ва тавсияси – 2019 йил сентябрда қабул қилинган
3.	Экологик ва ижтимоий бошқарув тизими механизмлари – 2019 йил июн ойида қабул қилинган
2.	Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасида кредит битими – 2019 йилда қабул қилинган
3.	"Ипотека Банк" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 13.11.2019 йилда қабул қилинган
4.	"Қишлоқ Қурилиш Банк" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 13.11.2019 йилда қабул қилинган
5.	"Туронбанк" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 13.11.2020 йилда қабул қилинган
6.	"Микрокредитбанк" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 13.11.2019 йилда қабул қилинган
7.	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 15.11.2019 йилда қабул қилинган
8.	"Халк Банки" АТБ ва ОТБ ўртасида лойиҳа битими – 15.11.2019 йилда қабул қилинган
9.	Атроф–муҳит мониторинг ҳисоботи – Ҳисобот даври: 2021 йил январ–декабр. 2022 йил март ойида қабул қилинган
10.	Атроф–муҳит мониторинг ҳисоботи – Ҳисобот даври: 2020 йил январ–декабр. 2021 йил март ойида қабул қилинган

48. Кириш ҳисоботини тайёрлаш босқичида Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва ОТБ нинг экологик-ижтимоий сиёсати ўрганилди, барча сублойиҳалар уларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, мазкур лойиҳа учун қўшимча равишда ишлаб чиқилган барча талаблар

ўрганилди. Ушбу Қонунчиллик талабларининг батафсил таҳлили 1-иловада келтирилган.

- 49.Лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи барча ИМТ лари ЭИБТ ҳужжатларини тайёрладилар. Барча ИМТ лар томонидан тайёрланган барча ЭИБТ ҳужжатлари ОТБ томонидан тасдиқланган.
- 50.Лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган молиявий воситачилар томонидан сублойиҳаларни молиялаштириш 2020 йилда бошланган. 2021 ва 2022 йилларда Осиё тараққиёт банкига тақдим этилган ҳисоботларга кўра, 2 йил давомида жами 489 та сублойиҳа молиялаштирилган бўлиб, шу жумладан 373 та сублойиҳа 2020 йилда молиялаштирилди ва 116 та сублойиҳа 2021 йилда молиялаштирилди. 2022 йилда молиялаштириладиган лойиҳалар сони тўғрисида аниқ маълумот ушбу босқичда мавжуд эмас.
- 51.Ҳисобот даврида молиялаштирилган барча сублойиҳалар ОТБ тоифаларига мувофиқ "B" ва "C" (атроф-муҳит учун) ва "C" (мажбурий кўчириш учун) тоифалари сифатида белгиланган. 1 йил 2022 январ ҳолатига кўра лойиҳанинг бошланиш давридан бўён 488 та сублойиҳа молиялаштирилди ва фақат 2021 йилнинг ўзида 116 та сублойиҳа молиялаштирилди. Ушбу давр мобайнида ИМТ экологик ва ижтимоий жиҳатлар бўйича мутахассислари ҳар бир сублойиҳанинг миллий ва ОТБ талабларига экологик ва ижтимоий мувофиқлигини текширдилар. ОТБ тоифалаш тизимига кўра, жами 166 та сублойиҳа "B" ва 322 та сублойиҳа "C" тоифасида дея баҳоланди. Шу билан бирга, 2021 йилда 32 та сублойиҳа "B" ва 84 та сублойиҳа "C" тоифасида дея баҳоланди.
- 52.2021 ва 2022 йилларда тайёрланган ҳисоботларга кўра, экологик нуқтаи назардан "B" тоифаси берилган барча сублойиҳалар учун экологик мониторинг ўтказилди. Мониторинг ҳисоботларида кўрсатилганидек, лойиҳаларни мониторинг қилиш жараёнида хеч қандай номувофиқликлар аниқланмаган. 166 та "B" тоифадаги сублойиҳалар молиялаштирилган лойиҳа доирасида "номувофиқлик ҳисботи" ёки "вазиятни тузатиш чоралари" тайёрланмаган.

В.6. Ўқув модулларини тайёрлаш

- 53.Маслаҳатчи ўқув модулларини тайёрлашни 2022 йил 25 декабрдан бошлайди. Power Point тақдимоти лойиҳалари Мижозга 2023 йил 8 январда кўриб чиқиш ва/ёки шарҳлар учун тақдим этилади. Ўқув модуллари инглиз ва рус тилларида тайёрланади.
- 54.Ўқув жараёнидан кейинги ҳисботлар машғулотлар тугаганидан кейин икки ҳафта ичida тайёрланади.

IV. ҲИСОБОТ

55. Ушбу вазифани бажариш жараёнида Маслаҳатчи ЛАОГ (мижоз)га қуидаги ҳисоботларни тақдим этади:

A. Кирish ҳисоботи

56. Шартнома шартлари талабларига мувофиқ, кирish ҳисоботи жалб этилиш санасидан кейин 21 кун ичиди тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатда тақлиф қилингандык ёндашув ва иш режаси келтирилгандык.²

57. Ҳисоботни тайёрлаш жараёнида лойиҳа доирасида тайёрланган ҳужжатлар, шунингдек, лойиҳада иштирок этувчи ЛАОГ ва ИМТ томонидан ўтказилган экологик мониторинг ва аудит натижаларидан фойдаланилади.

B. ЭИБТ мувофиқлиги мониторинги бўйича ҳисобот

58. ЭИБТ мувофиқлиги мониторинги ва салоҳиятини ошириш тўғрисидаги ҳисобот жалб этилиш (мобилизация) санасидан бошлаб 75 кун ичиди тақдим этилади.

59. Ҳужжатда лойиҳанинг биринчи босқичида амалга оширилган тадбирлар натижалари батафсил баён этилади, хусусан:

- ИМТ томонидан ўтказилган текширув ҳисоботларини ўрганиш ва баҳолаш тавсифи (**экологик ва ижтимоий скрининг шакллари учун 2 ва 3-иловаларга қаранг**);
- Субвойиҳаларнинг атроф-муҳит мониторинги босқичида аниқланган номувофиқликлар ва ишлаб чиқилган мувофиқлаштирувчи ҳаракатлар (**экологик мониторингнинг тавсия этилган шакли учун 4-иловага қаранг**);
- Лойиҳа доирасида тайёрланган қуидаги маълумотлар: лойиҳани амалга оширишда иштирок этётган банклар томонидан тайёрланган SWOT-таҳлилини баҳолаш натижалари, шунингдек ЭИБТ талабларини сифатли қондириш учун лойиҳани амалга оширишда иштирок етётган ИМТ ларнинг ресурслари (инсон, инфратузилма ва иш муҳити) етарлилигини таҳлил қилиш натижалари.
- (1) аниқ ўқув мавзусини; (2) иштирокчиларнинг жамоавий ишлаши учун вазифаларни; (3) иштирокчиларнинг касбий тайёргарлик ҳақидаги маълумотларни тушунишини баҳолаш учун сўровномалар ва баҳолаш мезонларини ўз ичига олган ўқув модули.
- Тренингларнинг батафсил жадвали.

² Шартноманинг умумий шартлари – 1-илова (12.2) – "Мижозни Маслаҳатчига хизмат кўрсатишни бошлаш учун буюртма тўғрисида хабар берган кундан бошлаб 15 иш куни муддатида"

60. Ишнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек ўқув модуллари лойиҳани амалга оширувчи ташкилотнинг экологик мутахассиси томонидан тасдиқланиши керак.

С. ЭИБТ мувофиқлигини кўриб чиқиш ва салоҳиятни ошириш тўғрисидаги ҳисобот

61. ЭИБТ мувофиқлиги мониторинги ва салоҳиятни ошириш тўғрисидаги ҳисобот жалб этилиш санасидан бошлаб 120 кун ичida тақдим этилади.

62. ЭИБТ ва тренинглар талабларига мувофиқлигини текширгандан сўнг, Маслаҳатчи ЛАОГ га ҳисобот лойиҳасини 21 кун ичida тақдим этади. Маслаҳатчи ўтказилган ЭИБТ ва тренингларга мувофиқлигик текшируви бўйича батафсил ҳисоботни тақдим этади, шу жумладан қуйидагиларни ҳам:

- Ўқув материаларининг нусхалари (электрон ва босма); тренингларнинг фотосуратлари (фотоалбомлари);
- Таълимдан қониқиш сўровномаси натижалари, жумладан, жавоблар таҳлили;
- ИМТ ЭИБТ амалга оширишни кўриб чиқиш ва аниқланган номувофиқликлар ҳақида хулоса;
- Келажакда ЭИБТ ни амалга оширишни яхшилаш учун ҳар бир ИМТ учун тавсиялар ва таклиф қилинган мувофиқлаштириш ҳаракатлари режаси.

